

ИПАКЧИЛИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

*Наманган вилоят маданияти ва тарихи музейи илмий ходими
Д.Юлдашева*

Пилладан чуваб олинадиган ипак толаси ва ундан тўқилган матолар ўзининг чиройли товланиши, ҳарирлиги, гигиеник хусусиятлари билан инсон қалби ва танасига роҳат бағишлийди. Пишиқлиги жиҳатидан пахта, жун, каноп каби табиий толалардан ажralиб туради. Пилланинг келиб чиқиши тарихи қуидагича: Эрамиздан аввалги 3000 йилларда Хитой императори Хоангти рафиқаси Си Лингчи билан боғда дам олиб ўтирганида, хонимнинг пиёласидаги чойга дарахтдан пилла тушади. Бир оздан сўнг пиёлада нозик, узун ипак толалари пайдо бўлади.

Бу тасодиф натижасида Си Лингчи қизи Луичен билан биргаликда пилла чувишни бошлаб берган. Хоним вафотидан сўнг уни ипакнинг раҳнамоси деб эълон қилишган. Лекин ипак қуртини кўпайтириш ва пилла етиштиришни ўта сир тутишган. Чунки ундан катта фойда олинган. Хитойлик савдогарлар ипакдан тайёрланган мато ва буюмларни эрамиздан олдинги V асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига денгиз орқали олиб бориб сотишган. Аммо бу борадаги савдо-сотиқнинг ривожланиши асосан Буюк Ипак йўли очилган даврларга тўғри келади. Шарқ билан Европани боғловчи ушбу йўлнинг узунлиги 12 минг километрни ташкил этган. Эрамиздан аввалги II аср охирларидан то янги эранинг XV асригача одамлар хизматида бўлган. Ипак матолар ортилган савдо карvonларининг аксарияти Хитойнинг ғарбидан чиқиб Осиё миңтақаси орқали Европа мамлакатларига етиб борган.

Эрамизнинг II асрларига келиб, Хитойнинг пилла етиштириш тажрибаси Корея ва Японияга, IV—VII асрларда Эрон ва Марказий Осиёга тарқалади. Эндиликда эса бу юмуш билан ўнлаб мамлакатлар аҳолиси шуғулланади. Бизнинг мамлакатимиз ичидан ўтган катта йўллар бежиз “Буюк ипак йўли”, деб айтилмаган. Ҳозир пилла етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринни Хитой, иккинчи ўринни Ҳиндистон эгаллайди, учинчи ўринда Бразилия, тўртинчи ўринда Ўзбекистон туради.

Юртимизда ҳар йили 22—24 минг тонна атрофида пилла етиштирилади. Ҳукуматимизнинг соҳага доир қарорларида ушбу кўрсаткични 35 минг тоннага етказиш учун уруғчиликни, озуқа манбаларини, пилла қуртини боқиши шароитларини такомиллаштириш зарурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ипакни қайта ишлаб тайёр маҳсулотларга айлантириш жараёнларига янги технологияларни татбиқ этиш асосий вазифалардан эканлиги уқтирилган.

Олимларимиз Ҳалима Алимова (техника фанлари доктори) ва унинг шогирдлари Азамат Ғуломов, Наргиза Набижоновалар тўқимачиликда хом ашё сифатида узлуксиз фойдаланиш мақсадида унинг сифатини сақлаб қолган ҳолда, серицинни қисман қайнатиб олиш йўли билан хом ипакни тайёрлаш усулига, шунингдек, калта чиқиндиларини пахта толаси билан аралаштириб, трикотаж ишлаб чиқаришда қўлланиладиган йигирилган пахта-ипак ипи тайёрлаш технологиясига давлат патентлари олишган.

Ипакнинг тўқимачиликда ишлатиб бўлмайдиган ўта калта чиқиндиларидан сифатли қофоз ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш усули халқаро миқёсдаги ихтиродир.

Жарроҳликда ишлатиладиган ўрилган ипак ипини ишлаб чиқариш усуллари яна бир муҳим янгиликлардандир. Ипакни чиқиндига чиқармай, исрофгарчиликка йўл қўймай ишлатиш технологиясини яратиш борасида қўп изланишлар олиб борилмоқда. Бу табиий мўъжизадан, аввало, инсон саломатлиги йўлида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Оғиз бўшлигини даволашда ипак курти капалакларидан тайёрланган биологик фаол моддани қўллаш технологияси ҳам амалиётда қўлланилмоқда.

Хозирги даврда нанотехнологияни қўллаб, ипак толасининг инсон саломатлигига хизмат қиласидиган томонларини топиш устида врач-стоматологлар билан ҳамкорликда самарали изланишлар олиб борилмоқда. Табиий ипак таркиби ҳайвонот оламининг маҳсулоти сифатида оқсиллардан ташкил топганлиги, инсон танасига шифобаҳш таъсири олимларимизни янги йўналишда изланишлар олиб боришга ундейди. Пилла қобиғи ишлатилганда қоладиган ғумбак таркибида анчагина миқдорда ёғ ва оқсил моддалар бўлгани боис, улар уй паррандалари ҳамда ҳайвонларга ем сифатида берса бўлади. Ғумбакдан олинадиган ёғ хўжалик ва атир совунлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Кунжараси таркибида ўн фоиздан зиёдроқ азот моддаси борлиги учун органик ўғит сифатида ишлатилади.

Қуръони Каримда ипакнинг жаннат либоси эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Жумладан, Ҳаж сурасининг 23-оятида: “Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни Аллоҳ (жаннатдаги) остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга киритур. Улар у жойда олтин билакузуклар ва марваридлар билан безалурлар, либослари эса ҳарир (ипак) бўлур” дея хушхабар берилади. Шариатимизда эркакларнинг ипак либос кийишлари ҳаром қилинган. Бунинг ҳикмати шуки, ипак либос табиатига кўра нозикликни, мулойимликни талаб қиласи. Шунинг учун у эҳтироман аёлларимиз учун маҳсусдир. Лекин, Пайғамбаримиз (алайҳис салом) истисно тариқасида икки нафар саҳобага тери хасталиклари сабабли ипак кийишларига руҳсат этганлари ҳақида ҳам ривоят бор.

Хуллас, олтин баҳосидаги кумуш толамизни увол қилмай, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида ундан унумли фойдаланиш йўлларини топишда мутасаддилар сайъ-ҳаракатга тушганлар. Бугун тут дараҳтига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айрим қишлоқларда совуқ кунлар тут дараҳтини кесиб кетиши ҳоллари учрамоқда. Бундай ҳолат нафақат иқтисодиётга, балки, экологияга ҳам зиён келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Rojdestvenskiy K.M., Toirov Z. T., Tut ipak qurti biologiyasi, T., 1965;
2. Abduraqmonov A., Rojdestvenskiy K. M., Ipak qurti naslchiligi va urug‘chiligi, T., 1991.
3. Klara Solshova, Homidiy Homid ibn Soqiy.